



2020/10

ISSN: 2181-1385



VOLUME 1  
ISSUE 2



# ACADEMIC RESEARCH in EDUCATIONAL SCIENCES (ARES)



We increase  
scientific  
potential  
together!

[www.ares.uz](http://www.ares.uz)

---

Exact Sciences  
Natural Sciences  
Technical Sciences  
Pedagogical Sciences  
Medical Sciences  
Social and Humanitarian Sciences

THE JOURNAL OF  
ACADEMIC RESEARCH IN  
EDUCATIONAL SCIENCES

ISSN 2181-1385

VOLUME 1, ISSUE 2

OCTOBER 2020



[www.ares.uz](http://www.ares.uz)

# ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

## SCIENTIFIC JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 2, 2020

### EDITOR-IN-CHIEF

**G. Mukhamedov**

*Professor, Doctor of Chemical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

### EDITORIAL BOARD

#### **O. Ziyadullayev**

*Professor, Doctor of Chemical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

#### **S. Madayeva**

*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan*

#### **R. Bekmirzayev**

*Professor, Doctor of Physical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

#### **G. Nurshiyeva**

*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Kazakhstan*

#### **G. Gaffarova**

*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

#### **Y. Safranova**

*Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia*

#### **G. Ruzmatova**

*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan*

#### **B. Eshchanov**

*Associate Professor, Doctor of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical Sciences*

#### **N. Shermuhamedova**

*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan*

#### **B. Khusanov**

*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

#### **K. Bobokhudjayev**

*Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

#### **K. Tulantayeva**

*Associate Professor, Candidate of Historical Sciences, National University of Kazakhstan*

#### **O. Naumenko**

*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Science and Technology MISIS*

#### **M. Rakhimshikova**

*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University*

#### **M. Sultonov**

*Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

#### **N. Zolotykh**

*Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia*

#### **Z. Markayev**

*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Tashkent State Agrarian University*

#### **A. Kholmakhmatov**

*PhD in Political Sciences, Ministry of Higher and Secondary Specialized Education*

#### **D. Bozorov**

*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan*

#### **D. Karshiyev**

*Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute*

#### **T. Shevchenko**

*Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia*

#### **C. Nasriddinov**

*Associate Professor, Chirchik Higher School of Tank Command-Engineering*

#### **S. Eshonkulova**

*Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

#### **N. Soatova**

*Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

#### **Z. Yakhshiyeva**

*Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

#### **S. Doniyorova**

*Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

#### **U. Khodjamkulov**

*Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

#### **S. Botirova**

*Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

#### **B. Yuldashev**

*Associate Professor, Tashkent Paediatric Medical Institute*

#### **Y. Islamov**

*Associate Professor, Candidate of Biological Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute*

#### **S. Allayarova**

*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan*

#### **B. Saparov**

*Associate Professor, PhD, Tashkent State Agrarian University*

#### **M. Djumabekov**

*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University*

#### **K. Toshov**

*Senior Teacher, PhD, National University of Uzbekistan*

#### **A. Karimjonov**

*Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

#### **T. Khojiyev**

*Associate Professor, PhD, National University of Uzbekistan*

#### **T. Kuyliyev**

*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Tashkent State Agrarian University*

**Executive Secretary: T. Madalimov**

## TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA GRAFIK MATERIALLARDA ISHLASHGA O'RGATISH (GUASH BO'YOG'I MISOLIDA)

**Ulfat Shuhratovich Ismatov**

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

[u.ismatov@cspi.uz](mailto:u.ismatov@cspi.uz)

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqola orqali Tasviriy san'at darslarida bo'lajak zamonaviy tasviriy san'at ta'limi o'qituvchilariga grafik materiallarda, xususan guash bo'yog'i xususiyatlari va undan foydalanish texnikasini o'rgatishdan iborat.

**Kalit so'zlar:** Tasviriy san'at, grafik materiallar, Guash, ijod, uslub, texnika, qalamtasvir, akvarel, yorug'-soya.

## TEACHING TO WORK ON GRAPHIC MATERIALS IN FINE ARTS CLASSES (ON THE EXAMPLE OF GUASH PAINT)

**Ulfat Shuhratovich Ismatov**

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

[u.ismatov@cspi.uz](mailto:u.ismatov@cspi.uz)

### ABSTRACT

This article aims to teach future teachers of contemporary art graphic materials, in particular the properties of gouache and the techniques of its use, in fine arts lessons.

**Keywords:** fine arts, graphic materials, gouache, creativity, style, technique, pencil, watercolor, chiaroscuro.

### KIRISH

Ma'lumki bugungi kunda oliy ta'lim muassalarining oldiga qo'yilgan asosiy maqsadi; talabalarni o'z mutaxasisligi bo'yicha chuqur bilim olishini taminlash, ularni intellektual rivojlantirish, yangi g'oyalarni topish va amaliyotga tatbiq etishini nazarda tutadi. Bu esa mamlakatimiz oliy ta'lim tizimida, har tomonlama yetuk, komil insonni shakllantirish, yuksak malakali, ijodkorlik va tashabbuskorlik qobiliyatiga ega, yangi texnika va texnologiyalarga tez moslashuvchan layoqatli kadrlarni tayyorlash masalasining hozirgi zamon ta'lim nazariyasi va amaliyoti uchun muhimligini ko'rsatib beradi.

Barcha sohalarda bo‘lgani kabi tasviriy san’at ta’lim yo‘nalishida ham, har tomonlama mukammal, ijodkor kadrlarni tayyorlash muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu ta’lim yo‘nalishida tahsil olayotgan bo‘lajak pedagog-rassomlar tasviriy san’at sir asrorlari, tarixi, tur va janrlari haqida chuqur bilimga ega bo‘lishi, hamda turli grafik materiallarning xususiyatlari va ularda ishlash texnikalarini yaxshi bilmog‘i lozim.

## **ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA**

Har bir pedagog-rassom o‘z xoxishi, qiziqishi va maqsadiga qarab, turli xil grafik materiallardan foydalanib asar yaratadi. Grafik materiallarda tasvirlashning turlari ko‘p bo‘lib, har bir ijodkor rassomning asar yaratish jarayonida o‘ziga xos uslubi, tasvirlash texnikasi va foydalaniladigan materiallari mavjud. Kimdir akvarel bilan tasvirlashni yoqtirsa, yana kimdir guashda yoki moybo‘yoqda, boshqasi esa qalamda, retushda, akril bo‘yog‘ida, sanginada va boshqa materiallarda tasvirlashni yoqtiradi. Albatta har bir materialdan foydalanishning ham o‘ziga xos uslubi mavjud.

Rangtasvir ustalarining asarlarini kuzatar ekanmiz, ularning har biri texnologiyasi hamda uslubi jihatidan naqadar rang-barang ekanligini ko‘ramiz va rassomlar mahoratiga tan beramiz. Ayniqsa guash bo‘yog‘ida ham juda ko‘p o‘tmish rassomlari asarlar yaratganliklari ma'lum. Ularning bir-biridan ajoyib natyurmort, manzara, teatr bezaklari, portret, plakatlari jahon tasviriy san’ati xazinasidan o‘rin olgan. Chunki ijodkor rassomlar bo‘yoqning tasvir imkoniyatlarini ustalik bilan qo‘llaganlar. Asarlarning biri quyuq bo‘yoq qatlamidan foydalanib ishlangan bo‘lsa, boshqasi esa juda nozik, yupqa qatlamda bajarilgan. Shunday asarlar ham borki, ular murakkab aralash texnikada bajarilgan. Ya’ni ham akvarel, ham guash texnologiyasi ustalik bilan qo‘llangan. Bunday mahoratli ishlangan asarlar qatoriga rus rassomlari V. Serov, K. Yuon, V. Kustodiyevlarning ijod namunalarini qo‘shishimiz mumkin. Shunisi ham qiziqarlichi, ayrim rassomlar akvarel bo‘yog‘ida yaratgan asarlarida guashning faqat oqini ishlatganlar va bu yaxshi samara bergenligi ko‘rinib turadi. Bunday asarlarga S. Gerasimov ijodiga mansub ishlarni misol qilib ko‘rsatishimiz mumkin.

## **MUHOKAMA**

Guash bo‘yog‘i akvarel bo‘yog‘ining tamoman aksi bo‘lib, u kabi tiniq, jarangdor tus bermaydi. Ranglari yorug‘likni yutganligi sababli uning tagidagi qog‘oz ko‘rinib, sezilib turmaydi. Tarkibi esa akvarelniki singari – bo‘yoq kukuni va uni bog‘lovchi moddalardan iborat. Ammo ular maxsus yog‘och yelimi bilan mo‘tadil nisbatlarda aralashtirilgan bo‘ladi. Guash bo‘yog‘ining



yana bir muhim jihatni uning oq bo‘yoq bilan aralashtirib ishlatilishidir. Shuning uchun uning ranglari unchalik jarangdorlik kasb etmaydi. Bo‘yoqni ishlatish uchun mo‘yqalamlar ham maxsus tanlanib olinadi va ular juda yumshoq bo‘lmasligi, bir oz dag‘alroq bo‘lishi maqsadga muvofiqdir. Tasvir ishlanadigan sath, ya’ni qog‘oz yoki karton ham silliq bo‘limgani yaxshi. Uning yuzasi iloji boricha yelimli qoplama (grunt) bilan ishlov berilgan bo‘lishi zarur. Shunda uning sathiga guash bo‘yog‘ini yaxshi surtish mumkin bo‘ladi. Guash ko‘pincha grafik ishlarni, bezaklarni, plakatlarni ishlashda va qisman rangtasvirlarni bajarishda foydalaniladigan, suv qo‘shib ishlatiladigan, tez quriydigan bo‘yoqdir. U bilan tasvirlar bajarishning murakkabligi shundaki, bo‘yoq surtilgan paytda to‘q, qurigandan keyin esa ochlashib ko‘rinishidir. Shu jihatini hisobga olib turilmasa, ranglar orasidagi muvofiqlikni ushlab turish ancha qiyin kechadi. Buning uchun odatda har bir surtiladigan asosiy ranglar alohida-alohida maxsus idishchalarda tayyorlanib olinib, so‘ng unga bir oz boshqa qo‘shimchalar aralashtirib tasvir ishlanadi. Ranglarni ishlatishda, uning to‘q-ochligi, rang tuslarining qanday topilganini doimo tekshirib, bilib turish uchun bir bo‘lak qog‘ozga tayyorlangan aralashmani surtib aniqlab, so‘ng qo‘llansa maqsadga muvofiq bo‘ladi.

## NATIJALAR

Ammo shunisi borki, bu nozik, saqlanishi ancha qiyin bo‘lgan ishlarning ayrimlari, ayniqsa quyuq qilib ishlanganlarining bo‘yoqlari o‘chib, to‘kilib ta‘mir talab bo‘lib qolganligi sir emas. Guash bo‘yog‘ida tasvirlarni bajarganda iloji boricha har bir rang tusi uchun alohida-alohida mo‘yqalam tutgan ma‘qul. Shunda ranglarni tiniq va toza, jozibali chiqishiga erishiladi. Guash bo‘yog‘ida ranglavha va ayniqsa portretlar hamda odam tana qismlarini tasvirlash, nozik rang tovlanishlarini berish qiyin ishdir. Buning uchun ancha muncha mahorat, bilim, tajriba kerak bo‘ladi. Tasvir ishslashning yo‘l-yo‘rig‘i, usullarini puxta egallash esa ko‘p amaliy mashg‘ulotlarni talab etadigan jarayondir.

Guash bo‘yog‘ining keyingi paytda yangi kashf etilgan turi ham mavjud bo‘lib, uning nomi «fluorescentli guash» deb ataladi. Uning ijobjiy tomoni sun‘iy nur tushirilganda yorqinlik kasb etib, «yal-yal» yonib ko‘rinishidir. Chunki uning ximiyaviy asoslari ultrabinafsha, binafsha, ko‘k, yashil nurlardan g‘ayrioddiy yorqin va tabiatdagidan ikki-uch marta kuchli rangda tovlanib ko‘rinadi. Shu sababdan bunday bo‘yoq turi teatr bezakchiligida keng qo‘llanmoqda. Uning ta’sirchan yarqirab ko‘rinishi uchun odatda kvars lampalarni nuridan ham foydalansa bo‘ladi.

O‘quv-mashq ishlarni bajarishda, ayniqsa natyurmortlarni ishlashda guash bo‘yog‘idan foydalanish juda ham qo‘l keladi. Uni moybo‘yoqda tasvirlar ishlashdan avval o‘rganilsa maqsadga muvofiq keladi. Shuningdek, turli kompozisiyalarning eskizlarini o‘quv-mashq namunalarini guash texnikasida bajarish qulaydir. U bilan katta-katta sathlarni yaxlit qilib bo‘yash, tez ishslash mumkin.



## XULOSA

Xulosa qilib aytganda bugungi kunda har bir oliy ta’lim muassasi oldida turgan asosiy maqsadlaridan biri zamonaviy tasviriy san’at o‘qituvchilariga turli grafik materiallarda xususan guash bo‘yog‘ining xususiyatlari va ishslash texnikalarini o‘rgatish orqali; ularni borliqdagi va san’atdagi go‘zalliklarni ko‘ra bilish, idrok etish, tushunish va qadrlashga o‘rgatish; estetik va badiiy didni o‘sirish, badiiy fikr doirasini kengaytirish; badiiy ijodiy qobiliyat va fantaziyasini rivojlantirish, o‘z uslubini, ijod yo‘lini topishiga xizmat qilishdan, shu bilan birga tasviriy san’at ta’lim yo‘nalishida har tomonlama tajribali, yetuk kadrlarni tayyorlashdan iboratdir.

## REFERENCES

- Султанов, Х. Э., Анкабаев, Р. Т., Хасанова, Н. С., & Чориева, Н. Ш. (2017). Инновационные методы обучения на занятиях по изобразительному искусству. In Актуальные вопросы современной педагогики (pp. 103-105).
- Ne’mat, A. M., & Ankabaev, R. T. (2018). Methodological Principles of Training Fine Arts. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
- Ирбутаева, М. Т., Махмудов, М. Ж., & Махмудов, М. Э. (2020). ЖИВОПИСЬ И ГАРМОНИЯ МУЗЫКИ. Ученый XXI века, 6-1(65), 31-34.
- Tursunmurotovich, S. S. (2020). Importance of illustrations for perception of content of the book. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(4), 98-101.
- Shuhratovich, I. U. (2020). Application of innovation in teaching process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(5), 4-8.
- Saidazimovich, B. I., Turgunovich, A. R., Jabbarovich, M. M., & Tairovna, I. M. (2020). THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE LANDSCAPE GENRE IN THE FINE ARTS. *EPRA International Journal of Research and Development*, 5(3), 423-424.
- Eralievich, S. K., Mukhamatsultonovna, M. I., Saidazimovich, B. I., & Turgunovich, A. R. (2020). The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations

- in the System of Continuous Education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6586-6591.
8. Shuhratovich, I. U. (2020). Technologies of working on graphic materials in fine arts classes (on the example of working still life in the pen. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(4), 41-45.
9. Байметов, Б. Б., Собиров, С. Т., & Ислатов, У. Ш. (2019). ПРОБЛЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Вестник науки*, 1(7), 63-66.
10. Tursunmurotovich, S. S., Eraliyevich, S. X., & Shuhratovich, I. U. (2020). Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 3526-3533.
11. Eralievich, S. K., Tursunmurotovich, S. S., & Mukhamatsultonovna, M. I. (2020). THEORETICAL BASIS OF CLUSTER APPROACH IN FINE ARTS EDUCATION. *Journal of Critical Reviews*, 7(9), 108-111.
12. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Bolalar ijodiy qobilyatini rivojlantirishda grafik rassomlar hayoti va ijodiy faoliyatini organizhning muhimligi. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, (2), 460-464.
13. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Some Factors That Impede The Development Of Students' Creative Abilities In Fine Art Classes. *Asian Journal of Research*, 1(3), 214-218.
14. Saidazimovich, B. I. (2020). 50 Years Of The Xx Century The Development Of The Uzbek Landscape Genre. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(6), 62-64.
15. Султанов, Х. Э., Худайбердиев, П. У., & Собиров, С. Т. (2017). Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени. *Молодой ученый*, (4), 385-389.
16. Ismatov U.Sh, Rajabov Sh. Z, Tursunov M. U, Tasviriy san'at darslarida grafik materiallarda ishlash texnologiyalari. "Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi fanlarini boshqa fanlar bilan integratsiyalashning muammolari va yechimlari" mavzusida Xalqaro miqyosida ilmiy-texnik anjumanining MA'RUZALAR TO'PLAMI, Andijon – 2020 y. 287 b.
17. X. E. Sultanov, Rangtasvir (Akvarelda natyurmort ishlash), o'quv qo'llanma, Toshkent 2019 y.
18. Ismatov U. Sh., Technologies of working on graphic materials in fine arts classes (on the example of working still life in the pen. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020 Part II ISSN 2056-5853., 41-45 b.
19. Hasanov S. Navoiy poetikasida ranglarning qo'llanilishi. San'at jurnali 1 G' 1990, 26-27 betlar.
18. Kukiev, B., O'g'li, N. N. & Shaydulloyevich, B. Q. (2019). Technology for creating images in autocad. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 7 (12), 49-54.
19. Achilov Nurbek Norboy o'g'li (2020). Pedagogical and psychological fundamentals of formation of space imagination and creative ability in students. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (4), Part II, 38-40.

20. Muratov Khusan Kholmuratovich; Abdulkhamidov Sardor Mardanaqulovich; Jabbarov Rustam Ravshanovich; Khudaynazarova Ugiloy Sharifovna and Baymurzayeva Oykaram Shodiyevna. Methodology of Improving Independent Learning Skills of Future Fine Art Teachers (On the Example of Still Life in Colorful Paintings). International Journal of Psychosocial Rehabilitation ISSN:1475-7192. March 2020. Volume 24 – Issue 5. –pp. 2043-2048.
21. Xalimov Moxir, Achilov Nurbek, Bekqulov Qudrat, Xo‘jaqulov Elbek, Ko‘kiyev Boburmirzo CHIZMACHILIK VA CHIZMAGEOMETRIYA FANLARIDA BURCHAK TOPISHNING BAZI USULLARI 47.
22. Baymetov Botir Boltaboevich. Methods of Portraiture in the Process of Making Sketches and Drawings of the Human Face in Higher Pedagogical Education. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192. DOI: 10.37200/IJPR/V24I5/PR2020625 Received: 14 Apr 2020 | Revised: 22 Apr 2020 | Accepted: 12 May 2020. 6408-6415
23. Talipov Nozim Khamidovic;h, Talipov Nigmatjon Nozimovich; Yuldasheva Nilufar Ibrohimovna; Jabbarov Rustam Ravshanovich; Muratov Khusan Kholmuratovich. Development of students' creative abilities through teaching “landscape painting”. Journal of Critical Reviews. ISSN- 2394-5125. Vol 7, Issue 6, 2020. –pp. 227-229.
24. Achilov N.N. Develop students' spatial imagination by making simple cuts in drawing. *Муғаллим ҳәм үзлуксиз билимлендириў илимий методикалық журналы №2 2020 ISSN 2181-7138*
25. Shaydulloyevich, B. K. (2020). Increasing students' graphic literacy through teaching the sciences of drafting and descriptive geometry. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (4), Part II, 75-78.

# ТАЛАБАЛАРНИНГ МАНЗАРА ИШЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАР

**М. Ж. Маҳмудов**

Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика Институти

[m.mahmudov@cspi.uz](mailto:m.mahmudov@cspi.uz)

## АННОТАЦИЯ

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни замонавий педагогик тажрибанинг долзарб вазифаларидан бири - янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, уларни келажакдаги рассом ўқитувчиларини тайёрлашда, касбий фаолиятида қўллашда, "Расм дарслари пайтида талабалар ўртасида пайдо бўлган баъзи муаммолар" ни ҳал этишда очик ҳавода расм чизишга ўргатишдан иборат.

**Калим сўзлар:** Пленер, кўникма, перспектива, ранг, манзара, ранглар уйғунлиги, тасвирий санъат, педагог, технология, дала амалиёти.

## SOME PROBLEMS IN THE PROCESS OF STUDENTS' LANDSCAPING

**M. J. Mahmudov**

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

[m.mahmudov@cspi.uz](mailto:m.mahmudov@cspi.uz)

## ABSTRACT

One of the most important tasks of modern pedagogical practice for future teachers of fine arts is to use new pedagogical technologies in the training of future teachers of art, to use them in their professional activities.

**Keywords:** Plener, skill, perspective, color, landscape, color combination, fine arts, pedagogy, technology, field practice.

## КИРИШ

Дала амалиёти жараёни бу – талабаларнинг табиат қўйнида, очик ҳавода рангтасвир кўникмаларига эга бўлишларини такомиллаштириш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулоти хисобланади. Очик ҳавода бажарилган тасвирлар ўқув аудиториялардаги машғулотлар жараёнида ишланган натормортларга қараганда фарқ қилиб, рангтасвир ишларининг ёруғ-соялари, соялардаги рефлекслар, ранг нисбатларининг хилма-хиллиги, рангдорлиги,

рангларнинг жозибадорлиги ва жарангдорлиги билан кишини ўзига жалб қиласди.

Талабалар очик ҳавода ишлаш мобайнида борлиқнинг кенглигини нафакат перспектива қонун-қоидалари ёрдамида, балки фазовий бўшлиқни англай олиш орқали, табиатдаги соф ҳавони ҳис қилиб, уни тоза рангларда ифодалашга ўрганадилар. Улар узоқдаги туманли тоғлар, қир-адирлардаги масофаий кетма-кетликнинг майин ва енгил кўкиш ранглари, мовий осмондаги оппоқ, пардек юмшоқ булутлар, дараҳтлар, сувлар, тошлар, ўт-ўландаги рангларнинг бир-бирига таъсири ҳақидаги тушунчаларга эга бўладилар. Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари “тасвирий санъат” йўналишида таълим олаётган талабаларнинг бевосита ўкув жараёнига кирувчи дала амалиётининг асосий вазифаси – тасвирий санъатнинг муҳим жанрларидан бири бўлган манзара жанрида табиатдаги меъморий обида бўлаклари, ҳар хил ҳайвонлар, парандалар ва қушлар расмларини тасвирлай олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Пленердаги бу машғулотлар талабалардаги ижодий кўникмаларни ривожлантиришда чексиз имкониятлар яратади. Ўкув фаолият даври бўлган дала амалиёти ўкув жараёнидаги рангтасвир, қаламтасвир, композиция каби маҳсус фанларни ўзлаштиришнинг узлуксиз давоми бўлиб, тасвирий санъат йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак рассом-педагоглар тайёргарлигини оширишнинг таркибий бир бўлаги ҳисобланади. Талабалар билан ўтказиладиган дала амалиётининг мақсади аудиторияларда қаламтасвир ва рангтасвир дарсларида ўрганган билим ва кўникмаларини кенгайтириш, мустаҳкамлаш, очик ҳавода табиий ёруғлик шароитида бу олган ижодий кўникмаларини амалда қўллай олиш, бажара олиш малакаларининг ошишига ёрдам беради. Шунингдек табиат билан бевосита мулоқотда бўлиш улардаги ижодий қобилиятларининг кенгроқ шаклланишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу қобилиятларнинг шаклланишига қулайроқ шароит яратиш учун, улардаги ҳар хил тасвирлаш материалларидан фойдаланиш кўникмалари қатори табиатни ўрганиш ва касбий билимларининг ўсиш даражаси ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Турли хил бўёқ турларидан фойдаланиш талабаларнинг рангни қабул қила олиш маданиятини тарбиялайди ва уларнинг бадиий дид, фазовий тасаввурларини ривожлантиришга ёрдам беради

Тасвирий санъатда талабаларнинг бадиий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун мутухассислар томонидан кўплаб ишлар қилинган. Очик ҳавода табиий қуёш нури таъсирида ранглар ўзгарганлиги сабабли қисқа

муддатли вазифалар ва пленерда умумий ранг – тус бирлигини ўрганиш учун узоқ муддатли машқлар бажариш вазифалари ишлаб чиқилган. Масалан: рус рассомларидан А.А.Василев тайёргарлик машқлари сифатида натюроморт, шунингдек ўзаро нисбатлар (осмон, ер, сув)ни тасвирилашни ўрганиш учун манзаралар ишлашни таклиф қиласди. У бу каби вазифаларнинг зарурлигини пленерда рангтасвир ишлашда табиатдаги барча кўринишни бирдан қамраб олиш жуда қийин ва талаба улардан асосийсими ажратиб ола билмаслигини айтади. Шунингдек Василев ишни ҳовли, буталар, дараҳтлар, тошларни акс эттирувчи оддий ранглархалар ишлашдан бошлишни тавсия этади. Лекин пленер шароитида ранглар уйғунлигини кўришни ривожлантиришга кам эътибор қаратади. У манзара, натюроморт ишлашни тадқиқ қиласди, очик ҳавода портретлар ишлашга доир бир қатор фойдали маслаҳатлар беради.

В.М.Соколинскийнинг “Манзара ранглархаси композицияси пленер рангтасвирини ўрганишнинг бошланғич босқичларида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг бир усули саналади”(1994 й.) номли илмий ишида талабаларнинг ишларидаги манзара композицияси билан боғлиқ саволлар муаммо сифатида қўйилади. Куйи курсларда манзараларни рангда ишлаш масалалари кўриб чиқилади, чунки айнан шу босқичда пленерда рангтасвир ишлашга доир саволлар ечимини топиш мумкин. В.М.Соколинский устахоналарда рангтасвир бўйича қўшимча ишлар қилиш, табиат қўйнига ўқитувчи билан бирга чиқиш, талабаларнинг дарсдан ташқари мустақил ишлаши, манзарачи рассомларнинг асарларидан нусха кўчириш, хотирадан расм ишлаш, адабий асарларга бадиий безакларлар қилиш, манзара жанрида педагогик расмлар ишлаш, ҳар хил тасвирилаш материалларидан фойдаланиш, ўкув манзара ишларини жамоа бўлиб таҳлил қилиш каби машғулотларнинг турлари устида батафсил тўхталиб ўтади. Лекин бу тадқиқотда талабаларнинг ранглар уйғунлигини кўриш қобилиятларини ривожлантириш мавзуси етарли даражада тўлиқ ёритиб берилмаган.

С.Е. Токарев ўзининг тадқиқотларида ранг-тус қарама-қаршилиги ва ассосатив фикрлашга оид изланишларга таяниб объекtnи умумий кўришни шакллантириш усуллари тизимини таклиф қиласди. У ўзининг тадқиқотларида : амалий ишлашни ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатиш, сухбатлар, педагогик тажрибалар, объекtnи яхлит кўра олишни ривожлантириш каби бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб турадиган тадқиқот усулларини кўриб чиқади. Олим дала амалиёти шароитида талабаларнинг ранглархалар бажаришларининг барча босқичларидаги педагогнинг муҳим роли, унинг шахсан ишлаб кўрсата олиш қобилиятларига катта эътибор беради. С.Е.Токарев оконстант кўриш, ижодий қобилиятларининг ўсиши учун машқлар, ранг-тус муносабатларини

бера олиш учун машғулотлар, кўп планли манзаралардаги борлик (ҳаво)ни хисқилишга оид вазифалар, катта ҳажмдаги ишлар машқ қилиш каби қобилиятларни ривожлантириш тизимини таклиф этади. Вазифалар 2 бўлимдан иборат бўлиб, биринчисига қисқа муддатли ранглархалар бажариш кирса, иккинчи бўлимга чуқур бўшлиқ, кўп планли манзара кўринишларини ишлаш кўзда тутилади. Аммо бунда ранглар уйғунлиги, фазода ранг-ҳаво муносабатлари қандай ўзгаришига боғлиқ масалаларга камроқ эътибор берилган.

Н.Я.Масловнинг “Пленер” ўқув қўлланмасида очик ҳавода ишлаш турларининг номлари келтириб ўтилган, мақсад қўйилган, лекин бажариш учун аниқ тавсиялар йўқ.. Рангларх қисқа муддатли дейилган, лекин унинг давомийлиги кўрсатилмаган. Мавзуга оид умумий тушунтиришлар бор, лекин улар етарли даражада эмас. Юқорида айтиб ўтилганлар 1-курсдаги “Манзарадаги ҳолат” мавзусига тегишли. Шунга ўхшаш “Манзарадаги ҳолат” мавзусидаги фикрлар ҳам ёритиб ўтилган бўлиб, бу мавзулар нисбатан батафсилоқ ёритилиб берилган. Бошловчи талабаларга аввало композитсион мавзудаги ўзига хос хусусиятли вазифаларни бажариш таклиф этилади ва шунга яраша биринчи босқичлар учун маҳсус топшириқ ва машқлар келтириб ўтилади. Лекин рангларнинг иссиқ – совуқ кўринишлари, бўёқлар турлари ва уларнинг умумийлигини ифодалашга оид машқларга эътибор камроқ қаратилган.

“БГФ талабаларига рангтасвир машғулотлари ўтишда ранглар уйғунлигини кўришни ривожлантириш ( юқори курслар учун)” (1992 й.) мавзусидаги Е.А. Хижнякнинг диссертатсия илмий ишида ранглар уйғунлиги, мутаносиблиги, колорит ҳақида сўз боради. Унда талабаларга маълум бир назарий билимлар бериш, рангда ҳажмни, фазовий кенгликни тасвирлай олиш метод ва усулларини эгаллаш таклиф этилади. Тадқиқот устахоналарда натюрморт, портретлар, гавда рангтасвирларини ишлаш машғулотлари ўтишга асосланади. Олимнинг илмий изланишида ўзгарувчан ёруғликда, устахонада бажариш мумкин бўлмаган шароитларда табиатни ҳар хил ҳолатларда кузатишга ( тонг, туш пайти, кечки пайт кўринишлари, қуёш ботиши, ёмғир, шамол) имкон берадиган, ранглар уйғунлигини кўришга бой материал тўплаш мумкин бўлган манзаралар ишлашга кам эътибор берилганлигини кўрамиз.

## НАТИЖАЛАР

Юқорида санаб ўтилган манбаалар шуни кўрсатадики, бу муаллифларнинг илмий ишларида пленер шароитида буюмлар рангларини яхлит кўриш малакаларини оширишга боғлиқ машқлар бажаришга оид

масалага етарли эътибор бериlmайди. Бўёқлар турлари, рангларнинг иссиқсовуқ товланишларини қўришга доир машқлар етишмайди. Ранглар нисбатлари билан рангтасвир ишлаш методикаси эса дала амалиёти шароитида ишлаш жараёнининг асосига мослаб қўйилмаган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган олимларнинг фикрларидан фарқли ўлароқ биз талабаларнинг ёшига ҳам эътибор беришни тавсия қиласиз. Чунки 1-курсга ўртача 15 дан 20 ёшгача бўлган ёшлар келишади. Бу эса уларда ҳам ўсмирликнинг юқори босқичи эканлиги, улардаги қизиқиш ҳали болаликдаги қизиқиш бўлиб, улар кўринишни ҳамма икир-чикирлари билан чизишга кўп эътибор беришади ва умумийликни ёддан чиқариб қўйишади. Биз манзара чизишда авваломбор асосий нисбат (ер, сув ва осмон орасидаги)ни илғаб олиш учун қисқа муддатли рангловҳа ва қаламчизгилар ишлашни тавсия этамиз. Бу каби рангловҳалар бажариш колорит, табиат ҳолатини сезиш кўнималарини ривожлантиради ва талабаларда ниманидир нотўғри қилиб қўйишдан қўрқиши хиссини йўқотади. Биз ўқитувчилик фаолиятимиздаги шахсий тажрибаларга суюнган ҳолда шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, талабалар ҳаттоқи мураккаб бўлмаган ҳолатларда ҳам нисбатлар олишга қийналишади. Манзарани муносабатлар усули билан тасвиrlаш жараёнида ёш рассом табиатдаги ҳақиқий мавжуд рангларини тушунишга, уларнинг асл рангини умумий туси билан мослигини қўришга бирданига эришмайди. Пленерда ишлашга чиқар эканлар, кўпинча уларнинг очиқ ҳавода тез ўзгариб турадиган табиатни тасвиrlашга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолади. Улар табиат билан юзлашганда ҳар хил бўёқларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунмайдилар ва амалда қўллай олмайдилар. Шу сабабли табиатдаги тусларва нарсаларнинг рангини нотўғри таҳлил этиш натижасида рассом ранг ва тус муносабатларини адаштириб, рангловҳанинг жозибали чиқишига эриша олмаслиги ва ўзгарувчан ёруғликда ранглархар хил бўлиб кўриниб туришини яхши сезмаслиги мумкин. Улар амалиёт жараёнида кўпинча қуёш чиққандан кейинги ва қуёш ботишигача бўлган бир хил ҳолатни тасвиrlашганинг гувоҳи бўламиз. Ваҳоланки рангларнинг ўзаро уйғунлиги ҳолатининг энг кўп сезиладиган пайтини тонг пайти, қуёш ботишида ёки кечки ой ёруғида табиатни кузатиш жараёнида қўриш мумкин. Куннинг бу пайлари тепадан тушиб турган қуёшнинг кучли нури таъсирида ён-атроф бир хил ранг бўлиб кўринадиган туш пайларига нисбатан тонг отиш пайтидаги оч зарғалдоқ ва кўкиш ранглар ёки кечки шафакда кизгиш ранглар таъсирида рангларнинг товланишини тасвиrlаш қизиқарлироқ ва фойдалироқ бўлади.

Фазо - тиник мухитdir. Лекин унинг тиниқлиги табиатнинг турли ҳодисалари таъсирида ўзгариши мумкин. Масалан: ҳаво намлиги, атмосфера

босимининг ўзгариши, ҳаводаги чанг-тўзон таъсири, ҳавонинг булутлилиги ва бошқалар. Шунинг учун тасвирланаётган обьектнинг фазо бўшлиғидаги ҳолатига (ранг, нисбат, тус ва ундаги алоҳида бўлаклари) ва кўринишларига кескин таъсир этади. Фазо перспективаси обьектнинг куннинг қайси вақтида тасвирланаётганлиги (эрталаб, кундузи, кечкурун), йил фасллари (баҳор, ёз, куз, қишлоғи) ҳамда атмосфера ўзгаришига (қуёшли ёки булутли) қараб ҳам ўзгариади.

Қуёшнинг эрталабки, тушки, кечки пайтларидағи нури барча нарсаларга ва манзара обектлариға тушиб, ундаги рангларни ўзгартириб туради. Шунинг учун ҳар хил вақтлар: қуёшли кун, тонг ёки кеч пайтлари табиат кўринишлари ҳар хил рангларда товланади. Бундай шароитларда машқларни бажара туриб барча эътиборни кўринишдаги умумий тус ва рангларнинг ўзгаришлариға қаратиш лозим. Бу ҳолатда манзара рангларвҳаларида тус ва ранг яхлитлиги ва бирлигининг йўклиги рангларнинг майдаланишига ва пала-партиш кўринишига сабаб бўлиб, ишнинг сифатини бузади. Бошловчи рассом тасвирий асар барча рангларнинг ўзаро боғлиқлиги асосига қурилишини ёддан чикармаслиги керак.

## **МУҲОКАМА**

Манзара ишлашда кўринишдаги ҳамма нарсани илғаб олиш ва улардан энг асосийини ажратиб кўрсатиш каби қийин ҳолатларга дуч келамиз. Бунда кўринишнинг қулай ҳолатини аниқлаб олиш учун картондан ясалган, ичи тўғри тўртбурчак шаклда қирқиб олинган дарчадан тасвирланмоқчи бўлинган кўринишга қараш яхши фойда беради. Рангтасвирда манзара ишлашнинг ҳар қайси босқичида дикқатни кўринишнинг умумий ранг-тус ҳолати, ранглар уйғунлигини тўғри тасвирлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Палитрадаги ранглардан тўғри фойдаланиб яратилаётган тасвирда осойишта, завқлантирувчи, жўшқин ҳамда хавотирли, маюс ҳолатларни ифодаш мумкин. Шунингдек ранглар илиқ ва совуқ, ёрқин ва бўғиқ бўлиши мумкин. Тасвирни бундай ифодалаш табиатдаги айни мавжуд ҳолатга (қуёшли, булутли, иссиқ, совуқ ва ҳ.к...) ҳамда тасвирловчи шахснинг руҳий ҳолати, қайфиятига ҳам боғлиқ. Буни талабалар ўzlари бажарган ишларини маълум вақт ўтгач қайтадан кўриб кузатар эканлар, ўzlари гувоҳ бўладилар.

Кўпгина олимларнинг фикрига кўра талабаларнинг манзара ишлашга оид ижодий қобилиятлари ва кўнималарининг ошиши учун ёз пайтида ўтказиладиган дала амалиётининг ўзи кифоя қилмайди. Рассом-педагог шахсининг шаклланиши ва уларнинг ранглар уйғунлигини кўра олиш салоҳиятини ўстириш учун дала амалиётини баҳор ва куз ойларида ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, бу уларда ҳар бир фаслда йил мобайнида ҳар хил ранглар уйғунлиги ҳолатини кузатиш ва англаб етиш

имконини берган бўлар эди. Ҳозирда дала амалиётидан ташқари пайтларда талабалар бу мавзуда умуман ишлашмайди, десак тўғри бўлади. Бўлғуси рассомлар, тасвирий санъат ўқитувчиларида ранглар уйғунлигини кўришни ривожлантириш шунинг учун муҳимки, улар келажакда ўз ўкувчилари билан бирга маҳсус мактаб ва коллежларнинг дастурлари бўйича манзара ишлашга оид вазифаларни кўплаб бажаришларига тўғри келади.

Дала амалиётида манзаралар ишлаш талабаларнинг нафақат акварел гуаш ва мойбўёқ техникасини ва табиатдаги рангларнинг ўзаро уйғунлигини кўриш, балки бошқа бир қатор вазифалар ечимининг ҳал этилишига ҳам ёрдам беради. Уларда:

- Манзаранинг композиция ечимини топиш;
- Ишлаётганда манзаранинг майда бўлакларини эмас бутун кўринишини камраб олиш қобилиятларини ўстириш;
- Қоғоз ёки мато юзасида тез ва сифатли ранглархалар бажариш;
- Ўз ижодий қобилиятларининг янги қирраларини оча олиш;
- Бадиий-ижодий қобилиятларини ўстириш;
- Ўзига ишониб дадил ижод қила олиш каби сифатларни шакллантиради.

Ҳар хил тасвирлаш воситалари ёрдамида турли техникаларни кўллаб, тез бажариладиган машқ ва вазифалар бажариш, айниқса - акварелда “ала-прима” усули билан ранглархалар бажариш, манзара ишлашга киришиш олдидаги ҳар бир талабада кузатиладиган маълум бир чўчиш ҳиссини йўқ қилишга ёрдам беради. Таълим беришни самарали ташкил қилиш учун талабада манзара ишлашга нисбатан меҳр уйғотиш, қизиқтириш, мустақил равишда ижод қилишига жалб этиш керак бўлади. Бунинг учун нарсанинг ўзига қараб ва тасаввурдан расм ишлаш каби вазифалар ҳамда ҳар хил мавзуларда ранглархалар бажариш мақсадга мувофиқ бўлади.

## ХУЛОСА

Талабаларда ранглар уйғунлигини кўриш кўнилмаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатадиган фаолиятлар қуидагилардир:

- пленерда нарсанинг ўзига қараб ишлаш, ўкув натюромортларни бажариш, бир жойнинг ўзини куннинг турли пайтларида ишлаш;
- композициянинг образли ечимини топишда йўналтирилган мустақил вазифалар;
- қисқа вақтда бажарилган манзара ранглархалар;
- таълимга хусусий ёндашиш;
- бажарилган ишлар таҳлили, кўриклар;

- тасвирий санъат музейлари ва кўргазмаларга ташрифлар;
- миллий ва жаҳон акварел усталари ишлари билан танишиб бориш;
- талабаларнинг ижодий ишларидан кўргазмалар ўтказиш.

Юқорида кайд этилган машқлар талабаларнинг нафақат ранглар уйғунлигини кўриш қобилияtlарини ривожлантиради, балки уларнинг дунёқарашини ҳам бекиёс даражада кенгайтиради, ҳар хил тасвиirlash воситаларида ранглавҳалар бажариш асносида ижодий тафаккурларини бойитади. Ён атрофимизни ўраб турган гўзаликлардан илҳомланади санъатга меҳр уйғотади ва натижада уларнинг ижодий меҳнатларининг фаоллашишига сабаб бўлади. Тўплаган таассуротларига асосланиб турли хил манзара композициялари ҳақидаги янги фикрлар, ғоялар туғилади., Бундан ташқари очик ҳавода ишлаш натижасида уларнинг “палитра”лари янги тоза ранглар билан бойиб боради ва уларнинг аудиторияларда чекланган ёруғлик шароитларида натюроморт, портрет ҳамда амалий санъат дарсларида ҳар хил нақш композициялари чизишларида бу кўникмалар жуда аскотади. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг келгусидаги қасбий – ижодий фаолиятлари учун мустақил равиша тугалланган асарлар яратиш ҳамда битирув малакавий ишларни сифатли бажариш учун замин яратади.

## REFERENCES

1. Султанов, Х. Э., Анкабаев, Р. Т., Хасanova, Н. С., & Чориева, Н. Ш. (2017). Инновационные методы обучения на занятиях по изобразительному искусству. In *Актуальные вопросы современной педагогики* (pp. 103-105).
2. Ne'mat, A. M., & Ankabaev, R. T. (2018). Methodological Principles of Training Fine Arts. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
3. Ирбутаева, М. Т., Махмудов, М. Ж., & Махмудов, М. Э. (2020). ЖИВОПИСЬ И ГАРМОНИЯ МУЗЫКИ. Ученый XXI века, 6-1(65), 31-34.
4. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Importance of illustrations for perception of content of the book. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(4), 98-101.
5. Shuhratovich, I. U. (2020). Application of innovation in teaching process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(5), 4-8.
6. Saidazimovich, B. I., Turgunovich, A. R., Jabbarovich, M. M., & Tairovna, I. M. (2020). THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE LANDSCAPE GENRE IN THE FINE ARTS. *EPRA International Journal of Research and Development*, 5(3), 423-424.
7. Eralievich, S. K., Mukhamatsultonovna, M. I., Saidazimovich, B. I., & Turgunovich, A. R. (2020). The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6586-6591.

8. Shuhratovich, I. U. (2020). Technologies of working on graphic materials in fine arts classes (on the example of working still life in the pen. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(4), 41-45.
9. Байметов, Б. Б., Собиров, С. Т., & Исматов, У. Ш. (2019). ПРОБЛЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Вестник науки*, 1(7), 63-66.
10. Tursunmurotovich, S. S., Eraliyevich, S. X., & Shuhratovich, I. U. (2020). Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 3526-3533.
11. Eralievich, S. K., Tursunmurotovich, S. S., & Mukhamatsultonovna, M. I. (2020). THEORETICAL BASIS OF CLUSTER APPROACH IN FINE ARTS EDUCATION. *Journal of Critical Reviews*, 7(9), 108-111.
12. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Bolalar ijodiy qobiliyatini rivojlantirishda grafik rassomlar hayoti va ijodiy faoliyatini organizhning muhimligi. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, (2), 460-464.
13. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Some Factors That Impede The Development Of Students' Creative Abilities In Fine Art Classes. *Asian Journal of Research*, 1(3), 214-218.
14. Saidazimovich, B. I. (2020). 50 Years Of The Xx Century The Development Of The Uzbek Landscape Genre. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(6), 62-64.
15. Султанов, Х. Э., Худайбердиев, П. У., & Собиров, С. Т. (2017). Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени. *Молодой ученый*, (4), 385-389.